

Одобнинг таърифи



20:10 / 08.10.2018 3290

Тилимизда «одоб» тарзида талаффуз қилинишга одатланиб қолинган арабча «адаб» сўзи аслида яхшиликка чақирини англатади, у «маъдаба» ўзагидан олинган. Маъдаба эса одамларни яхшиликка, маънавий зиёфатга чақирини англатади. Одоб ҳам одамлар доимо даъват қилинадиган маънавий «маъдаба», яъни зиёфат бўлгани учун шу номни олган. Демак, одоб яхшилик демакдир. «Фалон киши одобли экан» дейилгани ўша одамнинг яхшилиги кўп экан, деганидир. «Кийиниш одоби» деганда яхшилаб кийиниш тушунилади. «Сухбат одоби» деганда сухбатни энг яхши савияда олиб бориш кўзда тутилади. «Ижтимоий одоблар» ижтимоий муомалаларни энг яхши тарзда олиб бориш деганидир.

Абу Муҳаммад «Китобул Воъий» асариде: «Одоб одамларни мақталган нарсаларга чақиргани учун одоб деб номланган», дейди. Абу Зайд раҳматуллоҳи алайҳи: «Одоб фазилатлардан бирига элтувчи яхши уринишга ишлатиладиган ном», деган.

Одобнинг қуйидагича таърифлари ҳам келган: «Мақтовга сазовор сўз ва амални ишлатиш, қилиш одобдир»; «Карамли ахлоқларни ушлаш одобдир»; «Ўзингдан каттани улуғлаб, ўзингдан кичикка меҳр кўрсатишинг одобдир». Шу ва шунга ўхшаш таърифлар тўпланганида, Исломда кўзланган «одоб» маъноси юзага келади.

Муҳаммад Зеҳний айтади: «Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади».

«Ҳар бир киши касб-корни мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-одоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак», дейди Абу Наср Форобий.

Ҳозирги кунда ғарб маданияти таъсирида «одоб»ни маданият дейиш ҳам жорий бўлган. Мисол учун, «овқатланиш одоби» дейиш ўрнига «овқатланиш маданияти» дейилади. Баъзида ижтимоий одоблар деган маънони ифода этиш учун французча «этикет» сўзи ҳам ишлатилади.

“Ижтимоий одоблар” китобидан